
24 ОКТЯБРЬ — ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ КУНИ

САЙЛАНАЖАК ПРЕЗИДЕНТ — ХАЛҚ ВА ДАВЛАТ КЕЛАЖАГИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим тадбир — Президент сайлови тобора яқинлашиб келмоқда. Сайлов яқинлашгани сайин сиёсий партиялар томонидан Президентликка номзодлар жойларда сайловчилар билан учрашмоқда, уларнинг ишончли вакиллари, тегишли партия фаоллари томонидан сайловолди тадбирлари қизғин тусга кирди. Жумладан, О'зЛиДеРдан Президентликка кўрсатилган номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастури мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламларига етказиш мақсадида О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Ходжаева туманидаги Касб-ҳунар мактаби ҳамда 2-умумтаълим мактабида сайловчилар билан учрашди. “Инсон қадрини учун!” Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастури тарғиботида айнан мана шу шиор тилга олинмоқда. Ва бу айни инсонлар учун кўрсатилажак чинакам эътибор ҳамда ғамхўрликнинг асл кўринишидир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Ходжаева сайловчилар билан учрашув давомида сўнгги беш йил давомида юртимизда амалга оширилган ислохотлар, инсонларнинг турмуш тарзидаги ўзгариш ва янгиликлар хусусида мулоҳазаларини билдириб, О'зЛиДеР дан кўрсатилган президентликка номзоднинг сайловолди дастуридаги устувор вазифалар хусусида сўз юритди. Учрашувда сайловчилар 24 октябрь куни бўлиб ўтадиган Президент сайловида фаол иштирок этишларини ва муносиб номзодга овоз беришларини таъкидладилар.

Фурқат тумани ҳокимлиги АХБОРОТ ХИЗМАТИ







2021-10-08 09:24:43